

**ТДИУнинг мамлакатда юз бераётган иқтисодий жараёнларни танқидий таҳлил қилиш, уларни сабабий боғлиқда ўрганиш ва прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқишга қаратилган
КОНЦЕПЦИЯСИ**

Концепциянинг мақсади: Глобаллашув шароитида республика иқтисодий ривожланишини ҳар томонлама таҳлил қилиш, олиб бориладиган иқтисодий ислохотларнинг натижадорлиги ва юзага чиқиши мумкин бўлган муаммоларни олдиндан кўра билиш, уларни бартараф этиш бўйича илмий-амалий тадқиқотлар олиб боришдан иборат.


Қўйилган вазифалар:

- коронавирус пандемияси (Covid-19) ва ундан кейинги даврларда республика иқтисодий тизимида вужудга келадиган ҳолатларни танқидий ўрганиш;
- анкета сўровномалари ва жойларга чиқиб мавжуд иқтисодий тизимнинг ҳолати ва келажакда юз бериши мумкин бўлган вазиятнинг иқтисодий-математик моделларини ишлаб чиқиш;
- иқтисодий соҳада ислохотларнинг бориши, уларнинг самарадорлиги ва тўпланиб қолган муаммолар ечимига қаратилган таҳлилий маълумотномаларни ҳукумат идоралари, мутасадди вазирликларга киритиб бориш;
- соҳага оид хорижий илғор тажрибаларни ўрганиш, улардан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш бўйича методик қўлланмаларни яратиш;
- университет салоҳияти ва четдан амалиётчи-мутахассисларни кенг жалб этган ҳолда ретроспектив маълумотлар асосида иқтисодий ҳолатимизни баҳолаш ва прогноз кўрсаткичларини инфографикалар орқали шарҳлаб бориш тизимини йўлга қўйиш.


Университетда олиб бориладиган чуқур тадқиқотларнинг намунавий йўналишлари:

1. Озиқ-овқат хавсизлиги ва қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, суғурталаш механизмини такомиллаштириш;
2. Товар ва хизматлар маркетинги ва логистикасини самарали ташкил этиш муаммолари;
3. Ҳудудлар кесимида тармоқ ва соҳаларнинг ўзаро комплекс ривожланишини таъминлаш, камбағалликни пасайтириш чараларини ишлаб чиқиш;
4. Рақамли иқтисодиёт имкониятларидан кенг қўламда фойдаланиш ва илғор хорижий тажрибалар адаптациясини амалга ошириш;
5. Инсон капиталини шакллантириш ва халқаро рейтингларда Ўзбекистоннинг мавқеини кўтаришга хизмат қиладиган таклифларни шакллантириш.

1. Тадқиқотни амалга оширадиган муваққат гуруҳлар (команда):



2. Муаммоли мавзулар банкни шакллантириш модели:



3. Танлаб олинган муаммоли мавзулар юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш босқичлари ва уларни мувофиқлаштириш:



Эришиладиган натижалар:

1. Илмий-ижодий гуруҳ аъзоларини кўшимча рағбатлантириш имкони ва манбаи пайдо бўлади
2. Иқтисодиётдаги муаммолар ечими ҳал этилади/илмий асосланган таклифлар шакллантирилади
3. Докторлик ва ва магистрлик диссертациялари мавзулари шакллантирилади ва химоя қилинади
4. Янгилıklar амалиётга жорий этилади (патентлар олинади) ва иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиши таъминланади
5. Хорижда ва мамлакатимиз илмий журналларида илмий мақолалар чоп этилади
6. Профессор-ўқитувчилар, докторантлар ва иқтидорли талабаларнинг илмий-амалий кўникмалари ривожланади
7. Уқув-меъёрий ҳужжатлар, фан дастурлари такомиллаштирилади
8. Талабаларнинг келажакда илмий иш қилишлари/иш билан бандлиги таъминланади.

4. Буюртмалар асосида шакллантирилган муаммолар ечими бўйича илмий тадқиқотларни олиб бориш, уларни мувофиқлаштиришга масъул бўлган таркибий тузилмалар:

- “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий тадқиқот маркази;
- Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий педагог кадрлар тайёрлаш бўлими;
- “Университет 3.0” халқаро ўқув ва илмий-инновацион тадқиқотлар маркази.

5. Командани шакллантириш. Илмий тадқиқот билан шуғулланадиган иқтидорли талабаларни жалб этиш механизми:

Университетга кириш тестларида “Математика” фанидан юқори балл (камида умумий баллдан 85% тўплаган) ҳамда инглиз тилини биладиган 1 курс талабаларини қизиқиш соҳалари ва илмга бўлган иқтидорларини аниқлаган ҳолда саралаб олиш (турли хилдаги анкета-сўровномалари, психологик ва IQ тестларни олиш орқали);

Улар билан дарсдан ташқари илмий ишларини амалга ошириш, хорижий тажрибалар асосида тадқиқот методологиясининг асосий принциплари бўйича қўшимча машғулотлар ташкил этиш;

Салоҳиятли профессор-ўқитувчилар, Илмий тадқиқот муассасалари олимлари, чет эллик профессорларни ҳамда амалиётчи-мутахассислар, халқаро ташкилотларнинг экспертларини жалб этган ҳолда курс машғулотларини ташкиллаштириш. Ушбу курслардан муваффақиятли ўтганларни мунтазам равишда рағбатлантириб бориш.

2-курсдан бошлаб талабаларни илмий тадқиқот ишларига жалб этишни йўлга қўйиш, уларни илмий-ижодий гуруҳ таркибига киритган ҳолда, лойиҳа мазмунидан келиб чиқиб шахсий иш режаларини тузиб бериш ва турли хилдаги топшириқлар билан банд этиш;

3-курсдан бошлаб, лойиҳа йўналишидан келиб чиқиб амалиёт базаларига бориб мавжуд муаммоларни яқиндан ўрганиш, таҳлил учун маълумотлар банкани шакллантириш кўникмаларини сингдириш;

Танлаб олинган иқтидорли талабаларни Университетда таҳсил олаётган докторантларга (бугунги кунда уларнинг сони 100 дан ортиқни ташкил этади) бириктиришни йўлга қўйиш.

6. Устоз-шогирд тизимини йўлга қўйиш:

Ҳар бир олим – профессор-ўқитувчининг атрофида шогирд сифатида докторант ва иқтидорли талабаларни бириктириш.

Илмий лойиҳа мавзуси ва йўналишидан келиб чиқиб, мини гуруҳларни шакллантириш (камда 5 тагача). Бунда лойиҳа раҳбари сифатида муаммони яхши биладиган устоз атрофида докторантларни ва уларга ёрдамчи сифатида иқтидорли талабаларни бириктириш.

Лойиҳа мавзуси ва амалий муаммо давомида илмий мақолаларни тайёрлаш ва уларни халқаро маълумотлар базаси бўлмиш Scopus, Web of Science таркибига кирган журналларда жамоавий мақолаларни чоп этишни ташкиллаштириш. Нуфузли журналларда чоп этилган мақолалари асосида тақдимот материалларини тайёрлаб МД ва БМИ ҳимояларини ташкил этиш.

7. Илмий тадқиқотларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари

Ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда (1-иловада келтирилган) мазкур концепция доирасида амалга оширилиши кўзда тутилган ишларни таълим – илм-фан – ишлаб чиқариш интеграцияси орқали бажариш белгилаб қўйилган.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, илмий тадқиқот ишлари ишлаб чиқариш жараёнларини ривожлантиришга, меҳнат унумдорлигини оширишга, ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлашга, ҳаётни енгиллаштиришга, табиат ҳодисалари, атроф-муҳит ўзгаришларини осон англаб етишга хизмат қилиб келган. Машҳур иқтисодий моделлар, макро ва микроиқтисодий қонуниятларнинг барчаси илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси асосида яратилган, кашф этилган (2-илова).

8. Лойиҳа иши сифатида расмийлаштириладиган муаммоли йўналишларни молиялаштириш манбалари:

- Вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар, иқтисодиёт тармоқлари, соҳалари ва корхоналари билан тузилган хўжалик шартномаси;
- Университетни ривожлантириш жамғармаси;
- Инновацион ривожланиш вазирлигининг Давлат илмий техника дастурлари асосида грантлари;
- “Эл-юрт умиди” жамғармаси;
- Халқаро лойиҳалар ва бошқа қонунчиликда таъқиқланмаган бошқа турли кўринишдаги маблағлар.

9. Якуний натижа:

Республика иқтисодиёти соҳасида мавжуд бўлган муаммоларга илмий асосода ечим топилади;


Назария ва амалиётнинг узвийлиги таъминланади. Олимларнинг амалиётга мутахассисларнинг эса, олий таълим муассасаларидан ажралмаган ҳолда тадқиқотларни амалга ошириш кўникмалари шакллантирилади;

Республика илмий салоҳиятнинг янада кўтарилиши ва халқаро рейтингларда нуфузининг яхшиланиши таъминланади;


Илмий тадқиқотларни амалга ошириш учун кучли рағбат механизми пайдо бўлади. Тадқиқотни амалга оширадиган илмий-ижодий гуруҳ учун қўшимча даромад манбаи ҳосил бўлади;

Иқтидорли талабаларни молия ва реал сектор корхоналарига ўқишни тугатмасданоқ иш билан таъминлаш имконияти яратилади. Илм билан шуғулланадиганлар қатлами табиий равишда танланади ва вақтли аниқланади.

Марказ директори



Ш. Мустафакулов



Таълим – илм-фан – ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашга қаратилган айрим қарорлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори. Қарор шарҳида келтирилганидек, қатор ОТМда илмий-педагогик салоҳият хануз паст даражада қолмоқда; ОТМнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида корхоналарнинг буюртмасига асосан, амалий ва инновацион илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик фаолиятини амалга оширадиган таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари юридик шахслардан олинадиган даромад солиғидан, ягона солиқ тўловидан, мақсадли давлат жамғармаларига мажбурий тўлов ва қўшимча қиймат солиғидан озод қилинди; ОТМнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, олий таълим тизимида илмий тадқиқотларни янада ривожлантириш, уларнинг академик илм-фан билан интеграциясини кучайтириш, профессор-ўқитувчилар таркибининг илмий фаолияти самарадорлигини ошириш, иқтидорли талаба-ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш масалалари қўйилган.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли қарори. Қарорда: олий таълим – илми-фан – ишлаб чиқариш ўртасида ўзилишлар мавжуд, интеграция таъминланмаган; илмий изланишлар иқтисодиёт соҳаларининг реал эҳтиёжларидан келиб чиқмасдан амалга оширилмоқда; ишлаб чиқариш, илм-фан ва таълим ўртасидаги интеграцияни чуқурлаштириш учун комплекслар таркибидаги вазирликлар ва идораларга қарашли тармоқлар (соҳалар)ни илмий-техник ривожлантириш йўналишлари муаммоларига бағишланган мавзулар базасини шакллантириш ҳамда бу муаммоларни ОТМлари билан хўжалик шартномалари тузган ҳолда ҳал этишга уларнинг илмий салоҳиятини, айниқса, ёш олимлар ва тадқиқотчиларни тизимли тарзда жалб этиш, докторантларни корхона (муассаса)ларнинг муаммоли масалаларига бағишланган диссертация мавзулари устида шлашини, шунингдек, тажриба-синовларни корхоналарда ўтказиш белгиланган.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3698-сонли қарори. Ушбу қарорда илмий тадқиқотлар билан ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг самарали механизмларини йўлга қўйишга, алоқаларни мустаҳкамлашга тўсиқ бўлаётган бир қатор муаммолар: ОТМ илмий ишлари ва илмий-тадқиқот ташкилотлари тадқиқотларининг натижаларини тижоратлаштириш кўрсаткичларининг пастлиги ҳамда қониқарсизлиги; инновацион жараёнларни рағбатлантириш, ҳудудлар ва тармоқлар даражасида инновацион ривожланиш ва инновацион фаоллик комплекс дастурларни амалга ошириш, инновацион фаол тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш механизмалари мавжуд эмаслиги; хусусий сектор вакилларининг инновацион фаолиятга, жумладан уларнинг манфаатдорлиги пастлиги сабабли етарли даражада жалб қилинмасилиги келтирилган.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарори. Мазкур қарорда: ОТМ инновацион ва технологик ғоялар билан фикр алмашадиган мулоқот марказларига айланмаган, тегишли соҳаларда мавжуд муаммо ва қачиликларни тизимли ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларнинг ечими бўйича таклиф киритиш борасида профессор-ўқитувчилар, ёш олимларнинг ташаббус кўрсатишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилмаган; ОТМнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ва тизимли ўзгаришлардаги иштироки ҳамда ташаббускорлиги сезилмаяпти, уларнинг ушбу йўналишдаги фаолияти ханузгача қониқарсиз эканлиги акс этган.

Такқослама таҳлиллар. Иқтисодий адабиётларда ўзининг машҳурлиги билан доимий равишда ўрганилиб келинадиган ва бошқа кўплаб моделларнинг яратилишига замин яратган Кобба Дуглас ишлаб чиқариш модели ҳам илмий изланувчи ва ишлаб чиқариш вакили томонидан яратилган. Шу билан бирга, жуда ҳам кўплаб жиддий тадқиқотлар ва аҳамияти юқори бўлган илмий мақолалар бугунги кунда ҳаммуаллифликда, ҳамкорликда олиб борилган изланишлар натижасида машҳурлик касб этмоқда ва танқинчи-иқтисодчи олимлар томонидан эътироф этилмоқда.

Бугунги кунда АҚШ ва Европанинг нуфузли олий таълим муассасаларида фундаментал фан сифатида ўқитилаётган “Macroeconomics” адабиёти ҳам Америкалик машҳур олим ва амалиётчи мутахассис Andrew B. Abel, Ben S. Bernanke томонидан ёзилган. Бизга маълумки, ушбу китобда акс этган статистик маълумотлар, ўтказилган сўровномалар, амалга оширилган прогноз кўрсаткичларининг ишончлилиги, баён этилган иқтисодий қонуниятлар ва тенденцияларнинг реал ҳаёт билан чамбарчас боғланганлигининг асосий сабаби: Ben S. Bernanke ўз вақтида Федерал Захира Тизимида хизмат қилганлиги, уни муваффақиятли бошқариш давомида ишончли маълумотларни келтирганлиги; иқтисодий-молиявий кўрсаткичларнинг эконометрик таҳлиллар асосида чуқур қайта ишлаганлиги билан белгиланади.

Жаҳон илм аҳиллари томонидан чоп этиладиган нуфузли илмий-техник маълумотлар базаси бўлмиш: Scopus, Science Direct, Web of Science таркибидан жой олган илмий журналларда машҳур олимлар, иқтисодиёт йўналишидага Нобель мукофотлари лауреатлари томонидан ёзилган мақолалар ҳамда изланувчилар томонидан энг кўп ўқилган, энг кўп иқтибос ва ҳаволалар берилган мақолаларнинг аксарияти олим ва амалиётчи-мутахассислар бирикуви (ҳаммуаллифликда) натижасида тайёрланган мақолалар ҳисобланади.

Халқаро иқтисодий-молиявий ташкилотлар томонидан эълон қилинадиган ҳисоботлар, иқтисодиёт ва бизнес соҳасидаги халқаро индекслар кўрсаткичларини ҳисоблаш, уларни эълон қилиш бўйича ташкил этилган гуруҳларда ҳам олимлар билан бирга етакчи амалиётчи-мутахассисларнинг билими ва амалий кўникмасидан фойдаланган ҳолда яратилганлигига ҳам гувоҳ бўламиз.

Бугунги кунда ишлаб чиқариш соҳасида, яъни амалиётда жуда ҳам катта илмий-амалий салоҳиятнинг яширин ётганлигини кўришимиз мумкин. Улар томонидан илм-фан дунёсига ошқора қилинмайдиган, илмий журналларда мақола сифатида эълон қилинмайдиган иқтисодий ютуқлар, ишланмалар яратилмоқда.

Жаҳон тажрибасига назар соладиган бўлсак, ривожланган мамлакатларда илм-фан амалиётга қараганда бир кадам олдинда юради, илмий тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, иқтисодий сиёсатни самарали амалга оширишда, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотларни чуқурлаштиришда, комплекс қарорлар чиқаришда илмий асосланган далил ва таҳлиллар талаб этилади.

Илмий соҳада яратилган тадқиқотлар фақат қоғозда қолиб кетмасдан ишлаб чиқаришга жорий этиш, ҳар бир соҳада юқори даражада самарадорликка эришиш бўйича янгидан-янги илмий тадқиқотларни олиб бориш талаб этилади. Бунинг учун олий таълим муассасалари ва илмий таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган илмий изланувчилар билан реал сектор корхоналарида меҳнат қилаётган амалиётчи-мутахассисларнинг ҳамкорлик доирасини ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.